

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси

Давлат статистика қўмитаси раиси

Б.А.Бегалов

“19” 04 2019 йил

**Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш
ва мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида (кейинги ўринларда Портал деб аталади) ўз вақтида акс эттириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси раисига бўйсунди.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини (кейинги ўринларда - Рўйхат) шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради.

очик маълумотлар тўпламининг умумлаштирилган рўйхатини уларни Порталда жойлаштириш муддатлари ва шакллари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминлайди;

ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиклик ҳолати, очик маълумотларнинг ошкоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишнинг амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлайди;

“Электрон ҳукумат” тизими борасида жаҳондаги ривожланиш одимлари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш асосида такомиллаштиришни ташкил этади ва унинг ривожлантиришдаги стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатларни мувофиқлаштиради.

иқтисодиёт тармоқларидаги жорий ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг миқдор, сифат ва мазмунига оид параметрларини тавсифловчи халқаро кўрсаткичларни ушбу индикаторлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан доимо ўрганиб боради;

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иқтисодиёт тармоқларидаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг халқаро кўрсаткичларини ўрганиш асосида Порталда жойлаштирилган Рўйхатни зарур ахборот (индикаторлар) билан тўлдирилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотларида фойдаланиладиган маълумотлар базалари тизимлари бўйича ахборот билан тўлдирилишини мувофиқлаштиради;

халқаро маълумотлар базаларини қўшимча равишда ўрганиб чиқади ва ахборотнинг янги параметрларини ишлаб чиқиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг “Очик маълумотлар глобал индекси” ва “Очик маълумотлар барометри” халқаро рейтингларида иштирокини таъминлаш бўйича таклифлар киритади;

Очик маълумотлар пухталигини модели (Open Data Maturity Model) ҳамда бошқа амалиётлар асосида давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш механизмини ишлаб чиқишда ҳамда натижаларни ҳар чоракда Порталда эълон қилиб боришда иштирок этади;

халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишда иштирок этади;

Порталда Рўйхатни шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Портал иш фаолиятини шакллантириши учун маълумотлардан ва уларнинг манбаларидан фойдаланиш;

маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш;

Портални ривожлантириш, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз маслаҳат ёрдамини олиш;

Портални шакллантиришда экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан хорижий) шартнома асосида жалб этиш;